# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • www.xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 16 июнь, № 120 (8743) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «БМТ ТУРИЗМ» БОШ КОТИБИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июнь куни Самарқанд шаҳрида амалий ташриф билан юртимизда бўлиб турган «БМТ Туризм» (Бутунжаҳон туризм ташкилоти) бош котиби Зураб Пououликашвили билан учрашув ўтказди.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон билан БМТнинг мазкур ихтисослаштирилган институти ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Самарқандда 2023 йил октябрь ойида бўлиб ўтган ташкилотнинг 25-сессиясида эришилган келишувларни ва илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш жараёни кўриб чиқилди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан 2027 йилни "Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили" деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюция қабул қилингани юксак баҳоланди.

Ташкилот замонавий туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва юртимизга саёҳат қилишни оммалаштириш бўйича Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорига айланганини катта мамнуният билан қайд этилди.

Сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар ва объектларни барпо этиш, зиёрат ва маданий-маърифий туризмни, жумладан, ички туризмни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қўшма саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Самарқандда фаолият юритаётган Халқаро туризм академияси имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда меҳмондўстлик ва сервис соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонга туризм йўналишини оммалаштириш мақсадида маҳаллий туроператорларнинг йирик халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларида иштирок этишини қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ҳамкорлик кенгайтирилади.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни тинчлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик фазилатларидан тобора обод ва мунаввар бўлаётган юртимизга кириб келган Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу саодатли дамларда барчамиз бу улуғ айёмнинг руҳи ва шукуҳини чуқур ҳис этиб, эл-юртимиз билан биргаликда шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Халқимиз ҳаётида эзгулик, меҳр-мурувват, саховат ва олийжаноблик рамзи сифатида мустаҳкам қарор топган Қурбон ҳайити бугунги кунда биз учун барча соҳаларда инсон қадри етакчи ўринга чиқаётган Янги Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотлар мазмунига нақадар уйғун ва ҳамоҳанг экани билан янада аҳамиятли бўлиб бормоқда.

Айниқса, маҳалла ва хонадонларимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмасликка қаратилган эзгу ишларимизда муқаддас динимиз, унинг инсонпарварлик моҳиятини ўзида яққол ифода этадиган ушбу файзли байрам биз учун ибрат мактаби, куч-ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Азиз дўстлар!

Қалбларимиз қувончга тўлган ушбу ёруғ кунларда кейинги йилларда мамлакатимизда азалий диний қадриятларимизни тиклаш, муқаддас қадамжоларни обод қилиш борасидаги улкан ишлар, юртимиз мўмин-мусулмонларининг ибодат арконларини, жумладан, ҳаж ва умра зиёратларини эркин амалга оширишлари учун яратиб берилаётган қулай шароитлар ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Қисқа муддатда Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий халқаро илмий марказлари ташкил этилди. Абу Исо Термизий, Абу Муин Насафий, Султон Увайс Қараний, Сузук ота ёдгорлик мажмуалари тубдан обод қилинди. Янгитдан барпо этилаётган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом цивилизацияси марказида қурилиш ва жиҳозлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Шулар қаторида шаҳар ва қишлоқларимизда кўплаб муҳташам масжидлар барпо этилмоқда.

Кейинги етти йилда 60 мингдан зиёд юртимиз мусулмонлари ҳаж амалларини бажардилар. Шу кунларда яна 15 минг нафар ватандошимиз икки муқаддас шаҳар — Макка ва Мадина зиёратига бориб, ўзларининг эзгу орзуларини амалга оширмоқдалар.

Пок ниятлар ижобат бўладиган мана шундай илоҳий лаҳзаларда уларнинг барчасига чин дилдан ҳаж ибодатларини тўлиқ адо этиб, юртимизга соғ-омон қайтиб келишларини тилаймиз.

Ҳайит байрами арафасида Маккаи мукаррамада бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, ҳурматли муфтийимиз шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари билан телефон орқали бўлган мулоқотимизда юртдошларимизнинг муқаддас ҳаж ибодатини мукаммал адо этишлари учун барча шароитлар яратилганини у киши алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Умид қиламизки, ҳожиларимиз Ватанимизга қайтгач жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар тарбияси ҳамда оилалар тотувлигини кучайтиришда ибрат ва намуна кўрсатадилар.

Муҳтарам юртдошлар!

Мана шу қутлуғ лаҳзаларда турли заруратлар билан хорижий элларда бўлиб турган ватандошларимизни ҳам самимий табриклаб, уларга соғлик-омонлик, бахт ва омад тилаймиз.

Дунёнинг узоқ-яқин мамлакатларидаги диндошларимизга ҳам қизғин қутловлар йўллаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Илоҳим, жаҳоннинг турли минтақаларида давом этаётган уруш ва жанжаллар тезроқ барҳам топсин! Ер юзида доимо тинчлик ва осойишталик барқарор бўлсин!

Азиз ва қадрли дўстлар!

Бугун биз кўп миллатли халқимиз билан бирга Янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. **Янги Ўзбекистон — бу янги ҳаёт, янги тараққиёт, бахтли келажак дегани**.

Барчамиз ҳамжиҳат бўлиб, бошлаган ислоҳотларимизни янада қатъий давом эттирсак, бу улуғ мақсадга сўзсиз етамиз.

Фарзандларимизни албатта билимли, ҳунарли, одобли инсонлар, чинакам ватанпарвар авлод этиб вояга етказамиз.

Шу йўлда барчамизга бахт ва омад ёр бўлсин!

Эл-юртимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Сиз, азизларни муқаддас Қурбон ҳайити билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Зураб ПОЛОЛИКАШВИЛИ:** Эътироф

## ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ НАМУНАСИНИ КЎРСАТМОҚДА

**БМТ Бутунжаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия кенгаши Ўзбекистон ташаббусини бир овоздан маъқуллади.**

Ўзбекистоннинг Испаниядаги элчиси Фаррух Турсунов бошчилигидаги делегациянинг ЮНВТО Ижроия кенгаши 121-сессиясидаги иштироки доирасида мамлакатимизнинг Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш ташаббуси бир овоздан маъқулланди.

Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023 йил октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессиясида билдирилган эди.

➔ 3

## ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРИ ТЕРАН ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРГА ЭГА

**Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль мамлакатимизга давлат ташрифи доирасидаги тадбирлар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқанднинг тарихий обидалари билан танишди.**

Кўҳна ва навқирон шаҳарда давлат раҳбарлари рафиқалари билан бирга мамлакатимизнинг "ташриф қоғози", аждодларимиз бунёдкорлик салоҳиятининг гўзал ифодаси — дунёга машҳур Регистон майдонига ташриф буюрдилар. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектураси ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Олий мартабали меҳмонлар Регистондаги ҳар бир обида, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини ҳайрат билан томоша қилди. Уларга мадрасаларнинг қурилиш тарихи, пештоқларидаги нақш ва рамзларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб берилди.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонларга буюк бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Соҳибқирон бобомиз ва темурийлар давлати ўз даврининг энг улкан ва ривожланган мамлакати бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Президентлар ва уларнинг рафиқалари "Афросиёб" музейига ташриф буюрдилар.

Бу музей Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилади. Бу ердаги ноёб экспонат ва деворий суратлар бутун дунё сайёҳларини, шу жумладан, кореяликларни ўзига жалб этиб келади.

VII асрга оид деворий суратлардан бирида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея — Когурё элчиларини қабул қилиш маросими ҳам акс этган. Бу халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг кўп асрлик тарихидан далолат беради.

Яқинда кореялик мутахассислар иштирокида музейни реставрация қилиш ишлари якунланган бўлиб, улар доирасида бинонинг ички ва ташқи қиёфаси мукаммал қилиб янгиланди.

Жанубий Корея Президенти тарихий ашёларни ҳайрат ва эътибор билан томоша қилар экан, халқларимиз ўртасидаги алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалишини, бу дўстлик ва ҳамкорлик бундан кейин ҳам бардавом бўлишини таъкидлади.

Етакчилар маданий меросни асраш борасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлигини қайд этдилар.

Сўнг олий мартабали меҳмонлар Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейида бўлди.

Амир Темурнинг суюкли набираси бўлган Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек буюк астроном олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Ўрта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг "Зижи жадиди Кўрагоний" асари дунё астрономиясида муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Экскурсиянинг охирги манзили "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм марказидаги "Боқий шаҳар" тарихий-этнографик мажмуаси бўлди. Бу ерда меҳмонларга халқимизнинг бетакрор бадиий, ҳунармандлик ва мусиқий маданияти намойиш этилди.

Ташриф тадбирлари якунланганидан сўнг аэропортда Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль ва рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кузатиб қўйдилар.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди.

Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Уламолар билан бўлган суҳбатда илм-маърифат ривожига яратилаётган шароитлар, ёшларни ватанпарварлик ва шукроналик, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳақида сўз юритилди.

Мажмуа ҳозирги кунда янгидан барпо этилмоқда. Бу ердаги қурилиш-пардозлаш ишлари кўздан кечирилди.

Шу билан Президентимизнинг Самарқандга ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Дахлдорлик

## ҲОЖИЛАРИМИЗНИНГ ЭЗГУ ТАШАББУСИ

*Жорий йил 5 июнь куни Президентимизнинг Саудия Арабистонида бўлиб турган муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан ҳаж мавсуми жараёнлари, Макка ва Мадина шаҳарларида зиёратчиларга яратилган шароитлар ва ҳамюртларимиз кайфияти тўғрисида ўтказган суҳбатлари юртимиз мусулмонлари томонидан тарихий воқеа сифатида баҳоланди.*

Куни кеча Ўзбекистондан борган 15 минг нафар ҳожиларимиз Ҳаж амалларини адо этиш учун Арафот ҳудудида жамландилар. Шайх Нуриддин Холиқназар Президентимизнинг юртимиз ҳожиларига билдирган эзгу тилакларини барча ватандошларимизга етказди. Ҳожиларимиз бундай юксак эътиборни катта хурсандчилик билан қабул қилдилар ва жонажон Ватанимизнинг тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, Президентимизнинг узоқ йиллар барчамизга бош бўлиб юришларини Аллоҳ таолодан сўраб дуо қилдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилган эътибордан руҳланган ҳожиларимиз шайх Нуриддин Холиқназар бошчилигида эзгу ташаббус лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Унга кўра ўзбекистонлик ҳожилар юртга қайтганларидан кейин "Янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз" шиори остида фаолиятни йўлга қўядилар.

Ташаббус доирасида бугунги мураккаб замонда жонажон халқимизни бирлаштириб, она Ватанимиз тараққиётига холис хизмат қилиш, аҳоли орасида тинчлик-осойишталикка йўналтирилган тарғибот ишларини олиб бориш, шукроналик ҳиссини янада кучайтириш ва дахлдорлик туйғусини оширишга қаратилган тадбирларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳожиларимиз маҳаллаларда адашганлар бўлмаслигига эришиш, жамиятда аҳил-иноқликни мустаҳкамлаш, оилалар тотувлигини таъминлаш, ёшларни она Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, муаммоли ва ажрим ёқасидаги оилаларни ислоҳ қилишга қаратилган ишларни ҳам амалга оширадилар.

Лойиҳадан эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ва маънавий кўмак бериш, хайрия, меҳр-мурувват ва ёрдам кўрсатиш ишларини кўпайтириш, ўз навбатида, турли маросимлар, тўй-маъракаларда дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўймасликка йўналтирилган тарғибот тадбирлари ҳам ўрин олган.

Барча ҳожиларимиз юртимизга қайтганларидан сўнг ушбу ташаббусларни қатъий амалга оширишга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида эканликларини билдирдилар.

# ОЛИЙ ДАРАЖАДА БЎЛИБ ЎТГАН МУВАФФАҚИЯТЛИ МУЗОКАРАЛАР КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ МАҚСАД ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

**Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ва олий даражадаги самарали музокаралар натижалари Жанубий Корея эксперт доиралари ва оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлди.**

*Таҳлилчилар ўз шарҳларида олий даражадаги Ўзбекистон — Корея Республикаси саммитининг турли жиҳатларига тўхталиш баробарида унинг якунлари бўйича сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишларда ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси белгилаб олинганини қайд этмоқда.*



**Чой Жин ЁНГ,**
**“Herald Media Group” компанияси президенти:**



— Биз Корея Республикаси Президентининг Марказий Осиёнинг 3 та мамлакатига давлат ташрифи муваффақиятли якунланганига гувоҳ бўлдик. Ушбу муҳим воқеа доирасида корейс халқи Ўзбекистон билан муносабатларни мустаҳкамлашга алоҳида қизиқиш билдирди, салмоқли натижалар ва ҳамкорликни янги босқичда кутмоқда.

Ташриф мамлакатларимиз дипломатик муносабатлари тарихида янги саҳифа очди ва икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро тушуниш ҳамда ишончни мустаҳкамлади. Бу эса кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Президентлар маданий-гуманитар алмашинувни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Сабаби маданий алоқалар, тажриба алмашиш халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, бу ўзаро англашувни чуқурлаштириш ва дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашда, айниқса, муҳимдир.

Президент билан бирга катта делегация — йирик корпорация ва компаниялар раҳбарлари, турли вазирликлар вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзбек шериклари билан қатор ҳамкорлик шартномаларини имзоладилар. Бу икки томоннинг иқтисодий ва технологик алоқаларни ривожлантириш борасидаги жиддий ниятини тасдиқлайди.

Ишончим комилки, ушбу ташрифдан кейин энергетика, электроника ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, шаҳарсозликни ривожлантириш ва бошқа муҳим соҳалардаги шериклик янада кенгаяди.

Президентимизнинг Ўзбекистоннинг бой маданияти ва тарихи рамзи бўлган Самарқандга ташрифи халқларимиз ўртасидаги маданиятлараро алмашинув ва дўстликнинг ажойиб намунаси эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Қадимий ва замонавий жиҳатларни ўзида мужассам этган ушбу гўзал кент Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги азалий ришталар ва ишончни яна бир бор тасдиқловчи платформадир.

Самарқанд — қадимий бой маданиятни замонавийлик билан уйғунлаштирган жуда гўзал шаҳар. Ушбу кентнинг Афросиёб музейидаги Когурё давлатига тегишли деворий сурат Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг дўстлиги асрлар давомида сақланиб келинаётганидан гувоҳлик беради.

Олий мартабали делегация ташрифини ёритиш учун корейс ва инглиз тилларида чиқадиган “Korea Herald” газетасининг икки нафар журналисти Ўзбекистонга борди. Биз ушбу ташриф ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилдик.

**Ду ЧЖИНХО,**
**Корея Мудофаа саноати тадқиқотлари институтининг халқаро стратегик тадқиқотлар бўлими бошлиғи:**



— Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасидаги олий даражадаги учрашувлар муваффақиятли ўтганини фақат олқишлаш мумкин.

Олий даражадаги мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, технологик ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки янги алоқалар ўрнатилиши, қатор шартномаларнинг имзоланиши ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун янги истиқболларни очади.

Имзоланган ҳужжатлар мазмунига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги иқтисодий, технологик ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш учун барчаси ниҳоятда муҳим.

Ишончим комилки, ушбу ташриф натижасида икки давлат ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик яқин келажакда янада фаол ривожланади.

Жанубий Корея келгусида олий даражадаги “Корея Республикаси — Марказий Осиё” саммитини мунтазам ўтказиб, Ўзбекистон билан алоқаларни янада кучайтиришни режалаштирмоқда.

**Сим Жин СУ,**
**Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлигининг янги савдо стратегияси ва сиёсати бўйича бош директори:**



— Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва алмашинувларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Музокаралар якунида икки томонлама муҳим ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан, турли соҳаларда муҳим келишувларга эришилгани ўзаро ҳамкорликнинг чуқур даражаси ва ҳамжиҳатликка тайёрлигини кўрсатади.

Президент Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари мамлакатларимиз ўртасидаги яқин муносабатларни янада мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшишига ишонаман.

**Ли Ву ЁНГ,**
**Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати раиси:**



— Олий даражадаги музокаралар чоғида меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилгани жуда муҳим. Чунки бу борадаги ҳамкорлик миграция жараёнларини яхшироқ тартибга солиш ва икки давлат фуқароларининг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилмоқда.

Таълим ва кадрлар тайёрлаш йўналишида меморандум ва келишувлар имзолангани ташрифнинг асосий натижаси бўлди. Улар қўшма таълим дастурларини яратиш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинувини ўз ичига олади. Бу эса икки мамлакатда таълим ва касбий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда меҳнат миграциясида Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасидаги Ишга рухсат бериш тизими (Е-9 визаси) муҳим аҳамият касб этмоқда. 2024 йилда Ўзбекистон Корея Республикасига турли соҳалар, жумладан, ўрмон ва тоғ-кон саноати каби янги йўналишларга ишчиларини таклиф қилиш мумкин бўлган давлатлар қаторига кирди. Бу Ўзбекистон фуқаролари учун янги имкониятлар очади ва ҳар икки давлат тараққиётига ҳисса қўшади.

2007 йилдан буён Корея Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида меҳнат миграцияси бўйича ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Ҳар йили Жанубий Кореяга “Е-9” визаси асосида келаётган ўзбекистонликлар сони ортиб бораётгани ушбу дастурнинг муваффақияти ва ҳар икки томон учун аҳамиятини кўрсатмоқда. Жанубий Корея жамияти ва иқтисодиётига ўзбекистонлик ишчиларни мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш ушбу жараённинг муҳим қисми бўлиб, мамлакатимизда меҳнат бозорини барқарорлаштиришга хизмат қилмоқда.

**Ли Чжи ЁН,**
**Корея хорижий тиллар университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари кафедраси профессори:**



— Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўз вақтидаги ва муҳим воқеадир.

Корея Республикаси узоқ вақтдан бери Марказий Осиё давлатлари билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни давом эттириб келмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Марказий Осиёда Жанубий Корея билан алоҳида стратегик шериклик алоқаларини ўрнатган ягона давлат ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасида кадрлар алмашинуви фаоллашиб бормоқда, жумладан, Жанубий Кореяда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари сони бошқа хорижий давлатлар орасида учинчи ўринда туради.

Ушбу далилларнинг барчаси Жанубий Корея ва Ўзбекистон муносабатлари нақадар яқин эканлигидан гувоҳлик беради.

Икки халқни янада яқинлаштириш мақсадида келаси йилни “Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алмашинувлар йили” деб эълон қилиш, ўзаро маданий тадбирлар ўтказиш таклиф этилди. Бу дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш учун жуда муҳим бўлиб, турли соҳаларда ўзаро англашув ва ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон “Марказий Осиёнинг IT хаби” бўлиш учун катта инвестиция киритмоқда ва рақамли технология мутахассисларини тайёрлашни тезлаштириш учун бутун мамлакат бўйлаб IT-парклар қурмоқда. Корея Республикаси рақамли соҳада технологик устунликка эга экан, Ўзбекистоннинг миллий ривожланиш стратегиясида ижобий роль ўйнаши мумкин. Икки давлат ўртасида IT-кадрлар тайёрлаш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш соҳасида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар мавжуд.

Бундан ташқари, корейс “ноу-хау” ва тажрибаси ҳозирда аҳолиси тез ўсиб бораётган Ўзбекистонда “ақлли” шаҳарлар қурилишида қўлланилади. Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни фаол ривожлантириши мумкин бўлган сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, олий таълим каби кўплаб салоҳиятли йўналишлар мавжуд.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон азалдан бир-бирига ўзаро ишонч ҳамда ҳурмат билан ёндашиб келган. Жанубий Корея ҳукуматининг келажакка йўналтирилган муносабатлари Ўзбекистонга иқтисодий суверенитетга эришиш ва иқтисодиётини диверсификация қилишга ёрдам беради. Ўзбекистон эса Корея Республикаси саноатини ривожлантириш учун зарур бўлган асосий минерал ресурслар ва сифатли ишчи кучи билан таъминлай олади.

Келгусида икки давлат ўртасида нафақат ҳукуматлар, балки хусусий секторда ҳам кўпроқ соҳаларда алмашинувни кучайтириш, ҳамкорлик даражаси ва кўламини янада кенгайтириш зарур, деб ўйлайман.



**Чжон МИНХЁН,**
**Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти илмий ходими:**



— Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон қадимдан ёрқин цивилизациялар вужудга келган минтақа бўлган. Ушбу замин Европани Шарқ билан, Узоқ Шарқни Ғарб билан, Жанубдан Араб ва Форс минтақаларини ва Шимолдан Россия шаҳарларини боғлайдиган стратегик марказ сифатида ҳам шуҳрат қозонган.

Буюк Ипак йўлининг марказий нуқтаси сифатида у турли динлар, маданиятлар туташган ва савдо ривожланган муҳим манзилга айланган. Савдо фақат товар айирбошлаш билан чекланиб қолинмайди, балки унинг ҳақиқий қиймати товарлар таркибидаги ғоялар ва билимлар алмашинувидадир. Эркин савдо орқали эришилган иқтисодий фаровонликка асосланиб, Ўзбекистон турли хил ва янги интеллектуал рағбатлантиришнинг доимий оқими билан замонавий инсоният цивилизациясига айланган интеллектуал инқилобнинг бешиги бўла олди.

Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди. Жанубий Корея компанияларининг Ўзбекистонга инвестиция киритишини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу янги иш ўринларини яратиш ва саноат тармоқларини технологик жиҳатдан янгилашга хизмат қилади. Шунингдек, ушбу жабҳадаги шериклик икки давлатга ўзаро иқтисодий мақсадларга эришиш учун ўз имкониятларидан унумли фойдаланишга шароит туғдиради.

Ташриф давомида транспорт ва инфратузилмани модернизация қилиш соҳасида муҳим келишувлар имзоланди. Бу икки давлатнинг иқтисодий шерикликни чуқурлаштириш ва барқарор ўсишнинг асосий элементи бўлган транспорт алоқаларини яхшилаш ва логистикани ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёрлигини кўрсатади.

Ишончим комилки, Президент Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга ташрифи якунлари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка катта фойда келтиради. Унинг кенгайиши кўп йиллар давомида жадаллик билан ўсиш суръатларини намойиш этиб келаётган Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиради. Жанубий Кореянинг илғор технологиялар, инфратузилма ва ресурсларни ривожлантириш каби соҳалардаги катта тажрибаси Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликда сезиларли синергия яратиши мумкинлигига қатъий ишонаман.

**Ан Бёнг ХО,**
**Корея Экспорт-импорт банки (Korea Eximbank) “EDCF” операциялари департаменти бош директори:**



— 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида, айниқса, технология, инфратузилма ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик кескин ўсишга эришди.

Шу нуқтаи назардан, Президент Юн Сок Ёлнинг ташрифи савдо, инвестиция ва технология трансфери каби муҳим соҳаларда шерикликни чуқурлаштиришга қаратилган қатор муҳим келишув ва меморандумларни имзолаш имконини берди. Бу қадамлар нафақат иқтисодий алмашинувни оширишга, балки ҳар икки давлат бизнес ва тадбиркорлари учун янги имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда.

Жанубий Кореянинг юқори технологиялар ва инновациялар бўйича тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари ва стратегик жойлашуви умумий фаровонликка ҳисса қўшадиган қўшма лойиҳалар учун истиқболларни очиб беради.

Ташриф, шунингдек, иқтисодий муносабатлардаги долзарб чақириқ ва масалаларни муҳокамадан ўтказиш майдони бўлиб, шериклик алоқаларини кучайтириш ва ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу ташриф натижаларининг ҳар икки давлат иқтисодиёти тармоқларига ижобий таъсири сезилади ҳамда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг узоқ муддатли тараққиёти ва фаровонлигига ҳисса қўшади.

Жанубий Корея Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат дипломатик алоқаларни янада жадаллаштиради, балки келгусида барқарор ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка замин яратади, шунингдек, ҳар икки давлатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва технологик инновацияларга кўмаклашади.

**О Ёнг ЖИН,**
**“The Korea Times” газетаси президенти:**



— Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеадир.

Ўзбекистон Корея Республикаси билан дўстона муносабатларда алоҳида ўрин тутади, минтақадаги стратегик ҳамкоримиз ҳисобланади. Ушбу ташриф нафақат дўстона алоқаларни мустаҳкамлади, балки транспорт, энергетика, технология ва бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар каби муҳим йўналишларда ҳамкорликнинг янги истиқболларини очди.

Ташриф чоғида таълим ва илм-фан соҳаларидаги, юқори технологияли ишлаб чиқариш тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Бу жадал ўзгариб бораётган жаҳон меҳнат бозори ва технологик инновациялар шароитида ҳар икки давлат келажаги учун муҳим бўлган билим ва тажриба алмашишни осонлаштиради.

Бундан ташқари, ахборот технологиялари ва рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Бу Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашнинг асосий элементи бўлган IT инфратузилма ва рақамли технологияларни ривожлантириш учун янги истиқболларни очади.

Ўзбекистон нафақат табиий бойликлари билан, балки Марказий Осиёда жуда қулай жойлашувга эга, асрлар давомида кўплаб мамлакатларни бир-бирига боғловчи кўприк, савдо ва маданият маркази сифатида ҳам дунёда эътибор қозонган. Жанубий Корея учун энг муҳим ҳамкор давлат саналади.

Яна бир гап, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда яқин дўстлик ва ажралмас шерикликка айлангани кўпчиликнинг хизматидир. Мен, биринчи навбатда, икки давлат раҳбарларининг хизматларини эътироф этаман.

Президент Юн Сок Ёлнинг ташрифи Ўзбекистон ва Корея Республикаси нафақат алоҳида стратегик шериклар, балки икки мамлакат ва икки халқ манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр дўстлар эканини тасдиқлайди.

**«Дунё» АА.**

**Ўзбекистон — Жанубий Корея электротехника саноатидаги шериклик доирасида Тошкент вилоятида Марказий Осиёда биринчи яримўтказгичлар кластерини барпо этиш режалаштирилган.**

Муносабат

# ЯНГИ КЕЛИШУВЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРГА ЙЎЛ ОЧАДИ

*Ўзбек ва корейс халқларини бир-бирига боғлаб турадиган умумий жиҳат ва ўхшашликлар жуда кўп. Шу сабабли, охирги йилларда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар ўзининг юксак палласига, яъни алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди.*

Бугун мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган Корея инвестициялари умумий ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошгани ҳамда сўнгги йилларда ўзаро савдо икки баробар ўсиб, 2,5 миллиард долларни ташкил этгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Қолаверса, айни чоғда юртимизда корейс сармояси иштирокидаги 726 та корхона фаолият олиб бормоқда. Саноат, энергетика, автомобилсозлик, кимё, тоғ-кон, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, IT соҳаси ва бошқа қатор муҳим йўналишларда ҳам қўшма лойиҳалар амалга оширилаётир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифи билан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг юртимизга амалга оширган бу галги ташрифи шу алоқаларни янада мустаҳкамлайди, натижа ва кўрсаткичларни бундан-да яхшилайди, дейиш учун барча асос бор. Негаки, икки давлат етакчилари ўртасида бўлган музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳамда янги режа ва марралар белгилаб олинди. Бунда, аввало, ҳамкорликнинг барча механизмига тизимли тус бериш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва ўзаро савдода мувозанатни таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Шуларга мос равишда учрашувлар доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида алоҳида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган битим ва ҳужжатлар имзоланди. Улар-да маданият, экспорт-импорт, қишлоқ хўжалиги, тоғ-кон саноати, энергетика, транспорт, жумладан, темир йўл транспорти, савдо-сотиқ алоқаларига оид жуда кўплаб муҳим йўналишларда ҳамкорлик қамраб олинганлигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

Бу борадаги тасаввурларимиз кенгроқ бўлиши учун айрим битимларни номма-ном келтириб ўтсак.

**Улар қуйидагилардан иборат:**

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Экспорт-импорт банки ўртасида ўрта мактаблар учун фан, ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарини етказиб бериш тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Экспорт-импорт банки ўртасида "Тошкент Фарма Парк" фармацевтика тадқиқот ва ишлаб чиқариш кластерининг тадқиқот ва ўқув компонентини ташкил этиш (2-босқич) тўғрисида битим;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан Корея Республикаси Ходимлар бошқаруви вазирлиги ўртасида давлат хизматчилари салоҳиятини ошириш ҳамкорлик режаси бўйича битим.

Ўзаро учрашувларда қишлоқ хўжалиги соҳасида Жанубий Кореянинг "яшил" ва "ақлли" технологияларини трансфер қилиш бўйича келишувларга эришилди. Айни чоғда, юртимизда минтақавий юқори технологик хаб ташкил этиш бўйича стратегик дастурни тайёрлашга келишиб олинди. Эътиборлиси, ўта муҳим минерал ресурслар, яримўтказгичлар, кимё, машинасозлик, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, инфратузилма ва шаҳарсозлик, "яшил" энергетика соҳасидаги ҳамкорлик шу стратегиянинг таянч йўналишлари сифатида илгари сурилди.

Шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам янги босқичга олиб чиқилади. Шу мақсадда томонлар 2025 йилни "Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алмашинувлар йили" деб эълон қилишга келишиб олди. Муҳими, унинг доирасида ўзаро маданият ҳафталиклари, ёшлар, таълим, тил ва спорт форумлари, санъат ва ҳунармандчилик кўргазмалари, туризм тадбирлари ўтказилади.

Кўриниб турибдики, Корея Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали кечди. Албатта, янги келишувлар янги марраларга йўл очади. Биз, халқ вакиллари эса шу келишувларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мутасаддиларга камарбаста бўламиз.

**Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

# ДИНУ ДИЁНАТ ҚАДР ТОПГАН ЮРТДА УЛУҒ АЙЁМ ШУКУҲИ

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.*

*Аввало, барча юртдошларимизни динимизнинг энг улуғ байрами — Қурбон ҳайити билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши ва ўз номимдан самимий муборакбод этаман.*

*Бугунги саодатли кунлар учун шукроналар айтиб, Қодир Аллоҳдан юртимизга қут-барака, тинчлик-офият, халқимизга бахт-саодат, фарзандларга илм-маърифат, дину диёнат сўраб дуолар қиламиз.*



**Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

## Ҳидоят сари

Аллоҳ таоло бу улуғ кунларни бутун Ислом олами, хусусан, юртимиз учун файзли ва баракотли қилсин. Бундай байрамларни тинчлик-омонликда, сиҳат-саломатликда бардавом нишонлашни Ўзи насиб этсин.

Ҳақ таоло Ислом дини ила бандаларини сийлаб, мукаррам этар экан, улар учун энг улуғ бўлган кунларни байрам қилиб берди. Мўътабар манбаларда ушбу саодатли онларда хурсандчилик қилиш ҳақида кўп тавсиялар келган. Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **"Қурбонлик кунини байрам қилишга амр қилиндим. Уни Аллоҳ бу уммат учун хос байрам қилиб берди"**, дедилар.

Аллоҳ таолонинг Ўзи Қурбон ҳайити кунида хурсандчилик қилишга амр этган. Зеро, ушбу кунни биз умматларга хос байрам қилиб бергани унинг беқиёс аҳамиятидан дарақдир.

Зулҳижжа ойининг 10-кунида Қурбон ҳайити нишонланади. Аллоҳ таоло "Фажр" сурасида: *"Тонгга қасам. Ўн кечага қасам. Жуфт ва тоққа қасам"*, деб марҳамат қилган. "Ўн кечага қасам"дан мурод зулҳижжа ойининг дастлабки 10 кунидир, "жуфтга қасам"даги "жуфт"дан мурод, зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, "тоқ"дан мурод эса тўққизинчи кунидир.

Имом Нисобурий айтадиларки, *Аллоҳ таолонинг ушбу ўн кечага қасам ичиши, бу кунларнинг нечоғли шарафли ва улуғ эканига далолат қилади ҳамда унда икки дунё учун манфаатлар борлигини билдиради*.

Имом Термизий бобомиз ривоят қилган ҳадисда эса Расулуллоҳ алайҳиссалом: *"Аллоҳ учун ибодат қилишга зулҳижжанинг ўн кунидан севимлироқ кун йўқ. Унинг ҳар кунлик рўзаси бир йиллик рўзага, ҳар тундаги ибодат Лайлатул қадрдаги ибодатга тенгдир"*, деганлар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда: *"Бу кунларда таҳлил, такбир ва ҳамду санони кўпайтиринглар"*, деб марҳамат қилинган.

Демак, ушбу кунларда Аллоҳнинг зикрини ҳар қачонгидан кўпайтириб, беҳисоб ҳамдлар айтишимиз керак.

Аллоҳга шукрки, сўнгги йилларда барча соҳа қатори диний жабҳада ҳам мисли кўрилмаган янгиланишлар амалга оширилди. Айниқса, илмий-тадқиқот марказлари, Фатво маркази ташкил қилиниши, масжидлар очилиши, Қуръон курслари таъсис этилиши, қадамжолар обод бўлиши, ҳаж-умра қилувчилар сони оширилиши ҳамда аждодларимиз мероси илмий жиҳатдан ўрганилиши ижобий ислоҳотларнинг яққол натижасидир.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларга Ислом дини моҳиятини тўғри тушунтириш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, диний таълим сифатини янада яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Дунёдаги нуфузли исломий ташкилотлар аъзоси бўлаётган уламолар сафи кенгайиб бормоқда. Бу ҳам бўлса, диний-маърифий соҳада олиб борилган ислоҳотларнинг халқаро эътирофи, халқимизнинг Ислом дини ривожига қўшаётган ҳиссасига берилган юксак баҳодир.

Чексиз шукроналик билан айтишимиз керакки, муқаддас заминга ҳаж ибодатини адо этишга келган 15 минг нафар ҳожиларимиз билан бирга Маккаи мукаррама, Арафот ва Мино каби муқаддас жойларда жонажон халқимиз ҳаққига хайрли дуолар қилдик. Мана шундай дуолар шарофати билан юртимиз янада равнақ топади, инша Аллоҳ.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, муҳтарам Президентимизнинг телефон орқали муборак ҳаж зиёрати учун яратилган шароитлар ва саломатлигимиз ҳақида сўрагани ҳамда ҳар куни ҳолимиздан хабардор бўлиб тургани ибодат завқи билан юрган ҳожиларни чексиз даражада мамнун этди.

Дунё тарихида давлат раҳбарининг зиёратчилар ҳолидан хабар олиш учун шахсан ташаббус кўрсатиши ҳамда Маккага қўнғироқ қилиши ҳеч кузатилмаган ҳолатдир. Мана шундай эътибор ва эҳтиромни арабистонлик мутасаддилар ҳам юқори баҳолаб, Юртбошимизга ҳурмат ва дуоларини изҳор этдилар.

Юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистон ҳожиларига мамлакат Президенти даражасида эҳтиром кўрсатилаётгани, буни ҳар бир зиёратчи юракдан ҳис этиб, кўзларида ёш ила дуолар қилаётганини алоҳида эътироф этамиз.

Ўз навбатида, ўзбекистонлик ҳожилар юртга қайтгандан кейин **"Янги Ўзбекистон фидойиси бўлиб, маънавият тарғиботчисига айланамиз" деган эзгу ташаббусни** бир овоздан илгари суришга аҳд қилдилар.

Таъкидлаш жоизки, таниқли уламолар, имом-домлалар ва қори зиёратчилар томонидан Маккаи мукаррамада Қуръони каримни 10 минг марта хатм қилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик ва ислоҳотлар бардавомлигини тилаб дуолар қилинди.

Дарҳақиқат, ҳайит байрамлари қадимдан ўлкамизда халқимизга хос меҳр-мурувват ва саховат ифодаси бўлиб келган. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **"Кимки Аллоҳнинг шиорлари** (қурбонликлар)**ни улуғ деб билса, бас, албатта, бу дилларнинг тақвосидандир"** (Ҳаж сураси, 32-оят).

Бу муборак кунлар муқаддас динимизнинг улуғ шиорларидандир. Улуғ алломаларимиз: *"Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шиорларидандир"*, деганлар.

Шу боис ийд кунларида табаррук отахон, мунис онахонлар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, бева-бечоралар, беморлар ҳолидан хабар олайлик! Уларга байрам кайфиятини улашайлик.

Зеро, бу кунларда хайру саховатимизни, меҳр-оқибатимизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён қилишимиз лозим.

Ушбу айём кунлари қилинадиган афзал амаллар ҳақида гап кетганда, бу дамларда энг улуғ ибодат, шубҳасиз, қурбонлик қилишдир. Имом Дайламий ривоят қилган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ алайҳиссалом: **"Қурбонликларингизни каттароқ қилинглар, чунки улар Сирот кўпригида сизларга улов бўлади"**, деганлар.

Қурбонлик ибодат бўлиши билан бирга, унинг ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёс. Зеро, қурбонлик — жамиятда кишилар ўртасида инсоний фазилатлар ривож топишига хизмат қилувчи восита. Чунки қурбонлик гўштидан ва таомидан эҳсон қилиш қалбларни юмшатиб, меҳр-муҳаббат ришталарини мустаҳкамлайди.

Аллоҳ бутун дунё мўмин-мусулмонларига Қурбон ҳайитини муборак айласин, тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида ҳусни қабул этсин, она Ватанимизни обод, халқимиз ҳаётини янада фаровон қилсин!

Азиз юртдошлар, Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

# ИШОНЧЛИ ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

*Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради — икки халқнинг маданияти, менталитети ўхшаш. Гарчи икки давлат орасидаги масофа яқин бўлмаса-да, улар ўртасидаги илм-фан ва технологияларнинг илғор ютуқларини ўзаро алмашиш жараёни қадим ва дўстона тарихга бориб тақалади. Томонларнинг глобал ҳамда минтақавий аҳамиятга эга масалалар бўйича ҳам ёндашувлари ўхшаш ёки яқин.*

Корея Республикаси ҳам, Ўзбекистон ҳам кўҳна тарих ва бой маданиятга эга давлатлар сифатида ўзининг тарихий-маънавий меросини сақлаб келмоқда. Олий даражадаги очиқ, дўстона, конструктив мулоқотлар эса мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш имконини бераётир.

1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ишонч ва дўстликка асосланган икки томонлама алоқалар ривожланди. Айниқса, 2019 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан кейин ҳамкорлигимиз янада яқинлик касб этмоқда.

Икки давлат ўртасидаги парламентлараро алоқалар ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишига айланди. Учрашувлар, делегациялар ташрифи, мулоқотлар — мамлакатларимиз парламентларида икки томонлама қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Расмий Тошкент ва Сеул ўртасида ҳамкорлик алоқалари кўлами таълим, фан ва маданият каби қатор йўналишларда ҳам янги босқичга чиқмоқда. Бугунги кунда республикамизда Жанубий Кореянинг 4 та етакчи олий ўқув юрти филиаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, Жанубий Кореяда 11 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талабалар таълим оляпти.

Маданият соҳасидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида республикамизнинг барча ҳудудида Корейс миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Уларда корейс тили, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳасида ҳам кенг алоқалар йўлга қўйилган. Истиқболли лойиҳалар портфели, "яшил" энергия, рақамли технологиялар, машинасозлик, кимё саноати, электротехника, тўқимачилик саноати, инфратузилмани ривожлантириш, шаҳарсозлик ва бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олади.

Бугунги кунда Жанубий Корея капитали иштирокида мамлакатимизда 726 та корхона фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, уларнинг 46 таси жорий йилнинг январь — апрель ойларида ташкил этилган. Тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳажми 7,5 млрд. АҚШ долларидан ошди. Қолаверса, 40 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистондан Жанубий Корея Республикасига 50 турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун фитосанитар рухсатнома олинган. 2020 йил апрель ойида икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришнинг муҳим платформаси "Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси" (KUBA) Жанубий Корея Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги томонидан рўйхатга олинган.

Жорий йилнинг март ойида эса Сеулда биринчи Ўзбекистон — Жанубий Корея савдо уйи очилди. Бу икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тарихида муҳим қадам бўлди. Жанубий Корея бозорида Ўзбекистон товар ва хизматларини илгари суриш, икки давлат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш имконини яратади.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг етакчи савдо ва инвестиция ҳамкорларидан бири ҳамдир. Буни ўтган йили товар айирбошлаш 2,5 млрд. долларни ташкил этгани ва корейс инвестициялари ҳажми 7,5 млрд. доллардан ошгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Туристлар оқими ҳам йил сайин ортиб, Тошкент ва Сеул ўртасида бир ҳафтада 10 та авиапарвоз амалга оширилаётир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг 13 — 15 июнь кунлари амалга оширган давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни ҳамма йўналишларда жадал ривожлантиришда янги саҳифа очиши, шубҳасиз. Зеро, ташриф доирасида икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида бўлиб ўтган музокараларда ҳамкорликнинг барча соҳаси ва йўналишларини қамраб олган алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Икки мамлакат раҳбарлари ҳузурида шерикликнинг кўплаб соҳаларини қамраб олган 17 та ҳужжат, айниқса, Алоҳида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотнинг имзолангани ушбу ташрифнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Мазкур ташриф давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатдан бойитган ҳолда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаради.

**Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

**Зураб ПОЛОЛИКАШВИЛИ:**

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ НАМУНАСИНИ КЎРСАТМОҚДА




1 Қайд этилишича, бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида кузатилаётган зиддиятлар ва беқарор вазият туризм ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда ва таклиф этилаётган кодекснинг ишлаб чиқилиши янада хавфсиз, барқарор ва адолатли туризм экотизимини яратиш йўлидаги олдинга ташланган қадамдир.

Ишлаб чиқилган кодекс туризмни барқарор ривожлантириш воситаларидан бирига айланиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда маданий меросни асраб-авайлаш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши кутилмоқда.

ЮНВТО бош котиби Зураб Пололикашвили сессиядаги нутқида Ўзбекистон ҳукуматига республиканинг ташкилот фаолиятига қўшган улкан ҳиссаси учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон мазкур тузилманинг энг фаол иштирокчиси эканлигини ва нафақат жаҳон туризм индустриясини ривожлантиришга, балки БМТ имижини оширишга ҳам ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади.

Бош котиб Ўзбекистон сайёҳлик тараққиётига комплекс ёндашув намунасини кўрсатаётганини, бу минтақанинг бошқа мамлакатлари учун ўрнак бўлиши мумкинлигини ҳам қайд этди.

**«Дунё» АА.**
Барселона

# СУД-ҲУҚУҚ ЙЎНАЛИШИГА ОИД МУРОЖААТЛАР ТИНГЛАНДИ

*Олий суд раҳбарияти Самарқанд вилояти аҳолиси учун Каттақўрғон ва Жомбой туманларида кенгайтирилган сайёр қабуллар ўтказди.*

## Сайёр қабул

Юзма-юз мулоқот чоғида фуқароларнинг суд-ҳуқуқ йўналишига оид мурожаатлари тингланди. Хусусан, 64 нафар фуқаро Олий суд раҳбарияти ҳамда ишчи гуруҳи қабулида бўлиб, ўз муаммоларини баён этди. 32 та жиноят ишлари бўйича, 21 та фуқаролик, 6 та иқтисодий ишлар бўйича ва 4 та маъмурий судларга мурожаатлар қабул қилинди.

Мурожаатлар қонун доирасида ижобий ҳал қилинди ва айримларига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

**«Халқ сўзи».**

Мутлақ шахсий фикр

# ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ, ЎЙЛАБ ГАПИР!

*Яқинда Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида қуйи палатага киритилгани мени беҳад қувонтирди. Мустақил Ўзбекистоннинг 33 йиллик тарихида парламентнинг ушбу қонунни қабул қилишга қаратилган ҳаракати таҳсинга сазовор.*



Ўзбекистон — тарихи қадимий, ўтмиши бой, маданий мероси бебаҳо мамлакат. Айни шу жиҳатларга қарамасдан, кўп йиллар давомида юртимизга нисбатан айтилган ноҳақ гапларга чидаб келдик. Уларга юзаки қарадик, ўйладикки, "гапиради-қўяди". Аксинча, бу кучайса-кучайдики, тўхтамади.

Шу боис бундай ҳолатларга барҳам беришнинг ҳуқуқий мавқеи белгиланиши эндиликда "оғзи ботир" ҳар хил "сиёсатчи"ларни, "ақл марказлари"ни тийиб қўйишга, уларга нисбатан ҳам чекловлар, тақиқлар татбиқ этишга қонуний асос бўлади.

Шубҳасиз, ҳар бир давлатнинг, ўз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этишни мақсад қилган мамлакатнинг қонунчилигида худди шундай норма бўлиш керак. Биз менталитетимизга хос бўлган бағрикенглик, очиққўнгиллик, меҳмондўстлик туфайли бу нарсаларга балки кўп ҳам эътибор бермагандирмиз, лекин гап мамлакат нуфузи — тарихи, ўзлиги, унинг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссаси ҳақида кетар экан, бундай вазиятда бағрикенглик суиистеъмол қилинишига йўл қўймаслигимиз жоиз. Биз учун бу ерда миллий манфаатларимиз, нуқтаи назаримиз муҳим ва шу сабаб ҳам бундай қонун лойиҳаси қабул қилиниши жудаям тўғри бўлади.

Айни чоғда бу бугун Ўзбекистоннинг дунё сиёсий саҳнасида тутган ўрни жиҳатидан мана шундай муҳим паллага келганлигимизни ҳам билдиради. Демак, биз сиёсий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзлигимизни англатиш, қолаверса, дунёда ўз ўрнимиз қандайлигини ҳам эслатиб қўйяпмиз. Шу жиҳатдан ўйлайманки, ушбу ҳужжатни тезроқ қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Қонун лойиҳасида мамлакатда бўлиши номақбул, деб топилган шахсларни бу ҳақдаги тегишли хабарномани олган санадан эътиборан 10 кун ичида ихтиёрий равишда Ўзбекистондан чиқиб кетиши кераклиги белгиланмоқда. Таклифим: бундай шахсларнинг мамлакатимизни 10 кун эмас, 3 кун муддат ичида тарк этишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Зотан, Ватанимиз ҳақида сўз юритадиган одам аввал ўйлаб, кейин гапириши керак. Гап Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, халқимизнинг шаъни, қадр-қиммати ва тарихи ҳурматга лойиқлигини таъминлаш ҳақида кетар экан, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилинишини қўллаб-қувватлайман.

**Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси бошқаруви раиси, профессор.**

**Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси томонидан 24 — 26 июнь кунлари Олмаота шаҳрида «Ўзбекистон — Қозоғистон бизнес форуми — 2024» ташкил этилади.**

# ДИЁРИМИЗ БАҒРИДАГИ ДУРДОНА — ФАРҒОНАДА БУГУН ТОНГЛАР ЎЗГАЧА

*Бугун Фарғонага ташриф буюрган киши борки, жадал равишда вилоят бўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини, фарғоналиклар кайфиятида, юз-кўзида яққол акс этган шукроналикни ҳис қилади. Шаҳар қиёфасини олаётган қишлоқлар, янги барпо қилинаётган тураржой мавзелари, ривожланиб бораётган бошланғич, умумтаълим ва олий ўқув муассасалари халқнинг кўз ўнгида янги Ўзбекистоннинг тимсоли ўлароқ намоён бўлмоқда.*





## Мушоҳада

Эътироф этиш керакки, бундан 6-7 йил аввал мамлакатда рўй бера бошлаган ислоҳотлар тўлқинида Фарғонага ҳам янги нафас, янги ҳаёт кириб келди. Бу йиллар фарғоналиклар учун тараққиёт йиллари — “Янги Фарғона” даври бўлди. Демак, янги Ўзбекистон дурдонаси Фарғонада бугун тонглар ўзгача отмоқда.

Ҳар бир туман, маҳалла, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт тарзи, мақсади ва қарашлари бутунлай ўзгача. Қувонарлиси, вилоятимиздан уддабурон, ҳалол, юртпарвар тадбиркорлар кўплаб етишиб чиқмоқда. Улар ишлаб чиқараётган турли маҳсулотлар бугун нафақат мамлакат бозорида, балки жаҳоннинг энг номдор савдо марказларида ўз харидорларини топиб улгурган.

Инновация шиддати билан тараққий этаётган аграр ва индустрия соҳаси, халқаро ҳамкорлик тизими, жадал бунёдкорлик ишлари, айниқса, туризм тармоғи ривожи Фарғонага янгича ҳаёт бағишламоқда. Айниқса, иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва тадбиркорликка кенг йўл очиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тиббий хизматлар ва таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида эришилган натижаларни ҳар бир фарғоналик ўз ҳаётида сезди, ҳис этди. Қисқа муддатда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми қарийб 56 трлн. сўмдан ортиб кетди. Президентимиз ташаббуси билан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тизими Фарғонанинг драйверига айланди, бир пайтлар 50 млн. доллар хорижий инвестиция олиб кириш муаммо бўлган Фарғонага биргина 2022 йилнинг ўзида 957,4 млн. доллар инвестиция жалб қилинди. Қувонарлиси, вилоятда электромобиллар ишлаб чиқарилмоқда.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистонни бунёдкорлик майдонига айлантиргани Фарғонада кўзга яққол ташланади. Бир пайтлар янги уйлар 2-3 йилда бир қурилган бўлса, ҳозирда Фарғонада қисқа муддат ичида бутун бошли шаҳарчалар барпо этиляпти.

Кейинги йилларда хорижлик сайёҳларни вилоятимиздаги тарихий обидалар, зиёратгоҳларга жалб этишнинг бир неча баробар ортгани, муқаддас қадамжолар, миллий анъана ва қадриятларимизга эътибор кучайиб бораётгани хизмат кўрсатиш тизими ривожи ва аҳолининг иш билан таъминланиш кўрсаткичларида ҳам яққол акс этмоқда. Бунда меҳмонларга жаҳон андозаларига мос даражада хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилаётганлиги алоҳида аҳамият касб этаётир.

Дарҳақиқат, бугун Фарғонага узоғу яқиндан, дунё кентларидан меҳмонлар оқими, туристлар ташрифи ошиб бормоқда. Вилоятда давлатимиз раҳбари топшириқларининг ижроси изчил бажарилмоқдаки, натижада туризм инфратузилмаси яхшиланди, соҳага киритилаётган инвестиция ҳажми кенгайди.

Вилоят иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий сармоялар ҳақида гап кетганда, айни йўналишдаги ишлар бугунги кунда кенг қулоч ёзаётганини эътироф этмоқ жоиз. Хусусан, Озарбайжон компанияси Фарғонада мини-ГЭСлар тармоғини барпо қилишни, Хитойнинг “Cheng Li special Automobile”, “Baishan Zhongtian Development” ҳамда “Aipuri Steel Plate” компаниялари эса вилоятда юклаш техникалари ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Шунингдек, эндиликда россиялик инвесторлар гуруҳи IT соҳасидаги стартапларга сармоя киритади ҳамда вилоятимизни IT-хизматлар йўналишида йирик аутсорсинг марказига айлантиришга кўмаклашади. Жумладан, Россиянинг Сибирь, Урал ва Узоқ Шарқ минтақалари инвесторларини бирлаштирган “Большая медведица” ахборот-коммуникация технологиялари, иқтисодиётни рақамлаштириш, электрон тижорат ва логистика соҳаларида, шу билан бирга, саноатнинг турли йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларга сармоя йўналтиради.

Туристик ислоҳотлар қаторида Фарғона вилояти ва Хитойнинг Чэнду шаҳри ўртасида қатор йўналишларда ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Бунда саноат, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаси бўйича Фарғонада келгусида амалга оширилиши режалаштирилаётган янги лойиҳалар қабул қилинган. Яна бир эътиборли жиҳат, Хитойнинг “Sichuan Shengyakai Fastening Equipment” компанияси томонидан тўғридан-тўғри 10 млн. доллар инвестиция йўналтириш ҳисобига Фарғонада қурилиш-монтаж пистолетлари ишлаб чиқариш лойиҳаси илгари сурилмоқда.

Айни чоғда Япония, Сингапур ва Малайзия инвесторлари гуруҳи билан вилоятимизга қатор соҳалар бўйича инвестициялар киритиш юзасидан ҳамкорлик музокаралари амалий босқичга ўтган. 50 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган ҳамда дунёнинг қатор давлатларида биологик сунъий сув ҳавзалари барпо этиб, яшил зоналарнинг ландшафт лойиҳаларини амалга оширган Туркиянинг “Cem Botanik” компанияси вакиллари эса яшил ҳудудлар йўналишида ҳамкорлик қилишни мақсад қилган.

Фарғона вилояти ва Эрон ўртасида ўзаро савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” шакллантирилди. Шунингдек, яқинда Қувасойда 40 млн. доллар Хитой инвестицияси ҳисобига сифатли керамогранит плиталари ишлаб чиқариш заводи қурилиши бошланди.

“Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳамда Беларуснинг “Гомель-Ратон” эркин иқтисодий зонаси ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланиши режалаштирилган.

Шу ўринда эътироф этиш зарурки, кейинги йилларда Фарғона шаҳри ва Екатеринбург ўртасидаги ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилган. Жумладан, яқинда вилоят делегациясининг Россия Федерациясига амалий ташрифи давомида имзоланган инвестиция келишувлари ва савдо шартномаларининг умумий қиймати 562 млн. доллардан ошди.

Бу ислоҳотлар кўлами олий таълим тизимида ҳам янги бир даврни бошлаб берди. Фарғона давлат университети мисолида айтиш мумкинки, бир асрлик тарихга эга олийгоҳ ҳам ўз фаолиятида янгиланиш босқичини амалга оширди. Испаниянинг “Webometrik”, Австралиянинг “UniRank”, Грузиянинг “RUR” каби нуфузли халқаро рейтинг ташкилотлари рўйхатида юқорилаб келаётган университет эндиликда Буюк Британиянинг нуфузли “THE” (Times Higher Education) агентлиги рейтингида 14 индикатор бўйича юқори ўринга чиқди.

Санайверсак, бундай ютуқларимиз кўп. Энг муҳими, кундан-кунга фарғоналикларда бугунги кунидан розилик, ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси ошиб бормоқда. Шу боис ҳаёти, тақдири, келажагидан кўнгли тўлиб, чинакам бахтни ҳис этаётган вилоят аҳли Президентимиз олиб бораётган ислоҳотларда фаол бўлишга ҳамиша шай.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**
**Фарғона давлат университети ректори, профессор.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### Компьютер жамламалари ва смарт доскалар етказиб берилди

Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги ҳамда Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компанияси билан икки томонлама грант шартномаси доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Чимбой, Амударё, Хўжайли, Тахиатош, Элликқалъа, Қўнғирот туманларидаги жами 10 та умумтаълим мактаби 50 дона компьютер ҳамда 20 дона электрон смарт доска билан таъминланди.

### Андижонлик ёшлар хорижда таҳсил олади

*Андижонда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан Германиянинг бир нечта халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда “Германияда касбий таълим” пилот лойиҳаси ишга туширилган эди.*




Жорий йилда ушбу лойиҳа доирасида 97 нафар ёш тил ўрганиш курсларига жалб этилди. Уларнинг бепул таълим олиши учун агентлик томонидан 419 миллион сўм маблағ ажратилди. Эндиликда улар Германия давлатида ҳам ўқиб, ҳам ишлаши мумкин бўлади.

Бу йил юртимизнинг минг нафар навқирон авлод вакили ушбу лойиҳа доирасида хорижда таҳсил олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

### Мамлакат чемпионатида кучлилар аниқланди

*Республика Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази заиф кўрувчи ва кўзи ожизлар ўртасида 5x5 футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатига мезбонлик қилди.*



Мусобақанинг ҳал қилувчи баҳслари натижаларига кўра, бронза медаллари учун Фарғона ва Тошкент шаҳри жамоалари ўзаро беллашди. Якунда ғалаба пойтахтликлар томонида бўлди. Мамлакат чемпиони деган фахрли номга эса, финалда Навоий вилояти жамоасини мағлуб этган Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан медаль ҳамда махсус диплом билан тақдирланди.

### Муаммолар жойида ҳал этилди

*Адлия вазирининг Сурхондарё вилоятидаги хизмат сафари давомида кўплаб фуқароларнинг муаммоларига ечим топилмоқда.*

Жумладан, Қумқўрғон туманидаги Жийдали маҳалласида яшовчи фуқаро Р. Тиллабекованинг узоқ вақтдан буён шахсини тасдиқловчи ҳужжатини олишда юзага келган муаммо жойида ҳал этилди.

Ушбу фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини расмийлаштириш давомида бармоқ изларини олиш ва тегишли тизимга сақлаш билан боғлиқ бўлган муаммоси тўлиқ бартараф этилиб, ID-карта тақдим қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Биз ва жаҳон

***Буюк Британиянинг нуфузли “The Guardian” газетасида “Аср кўргазмаси: Ўзбекистондан Лондонгача бўлган Ипак йўли” сарлавҳали мақола эълон қилинди.***

### ИЛК БОР ВАТАНИМИЗНИНГ БОЙ МАДАНИЙ МЕРОСИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА ОЧИЛАДИ

Нашрда Британия музейида илк бор VII асрда яратилган олти метр узунликдаги монументал деворий сурат, шунингдек, VIII асрга оид фил суягидан ясалган дунёдаги энг қадимги шахмат тахтаси каби Самарқанд музейлари коллекцияларидан намуналар намойиш этилиши таъкидланган.

Маълум қилинишича, экспонатлар жорий йилнинг сентябрь ойида очиладиган кўргазма учун қадимий Самарқанд шаҳридан Буюк Британияга етказилади. “Тарихда биринчи марта Ўзбекистон музейларидаги экспонатлар Британияга келтирилмоқда”, дейилади мақолада.

Қайд этилишича, ушбу кўргазмада 300 дан ортиқ экспонатлар 29 та миллий ва халқаро муассаса томонидан тақдим қилинади.

“Туя, от ва фил минаётган одамлар тасвирланган олти метрли деворий сурат Самарқанддаги музейнинг “Элчилар зали”да жойлашган. 660-йилларга оид ва XX асрнинг 60-йилларида топилган ушбу қадимий сурат минтақада йирик савдогарлар бўлган қадимги суғдлар томонидан яратилган ноёб санъат намунасидир”, дея таъкидланган “The Guardian” газетасида.

Мақолада, шунингдек, 2025 йилнинг февралига қадар давом этадиган ушбу кўргазма чипталари яқин кунларда сотувга чиқарилиши хабар қилинган.

**«Дунё» АА.**
Лондон

## Китобхонлик

### БОЛАГА ИШТИЁҚ БЕРАДИГАН МУҲИТ ЗАРУР

*Болада кенг дунёқараш, теран фикрлашнинг шаклланиши, саводхонлик, ёзма ва оғзаки нутқ бойлигининг ортиши, ақл ва тарбиядаги етуклик — буларнинг барчасига, аввало, китобхонлик орқали эришиш мумкин.*

*Аммо болани китобга қизиқтириш, унинг қалбида китобга меҳр уйғотиш осон иш эмас. Балки ёшларга мажбурлаб ҳам китоб ўқитиш мумкиндир, лекин уқтириб бўлмайди. Аслида боланинг китобга меҳри, ўқишга иштиёқини оширишда, биринчи навбатда, оилавий муҳит, атрофдагиларнинг бу борадаги ибратли таъсири муҳим роль ўйнайди. Атрофида ўқишга иштиёқ берадиган, рағбатлантирадиган муҳит бўлсагина бола ўқийди ва уқади.*

*Қуйидаги мулоҳазаларимиз шу хусусда.*

#### Ғолиб опа-сингиллар

Икки йилча аввал Чироқчи туманидаги мактаблардан бирида ташкиллаштирилган тадбирда иштирок этишга тўғри келди. Тадбир доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида уч ёш тоифаси бўйича “Китобхон ўқувчи” кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

Қизиғи, танлов натижаларига кўра, ҳар учала гуруҳда ғолиб бўлган уч ўқувчи қиз опа-сингиллар бўлиб чиқди.

Ана шу тадбир сўнгида сўзга чиққан мактаб директори ғолибларни табриклаб, шу билан бирга, бошқа ўқувчиларга қарата куюниб гапирган эди.

— Мана, шу қизларимнинг отаси янги уй қуриб, кўчиб чиққанига уч йил бўлди, ҳали уйига “свет” ўтказа олгани йўқ, — деди у. — Телевизор кўрмайди булар. Сиз компьютердаги, телефондаги ўйин билан умр ўтказаётган, телевизордаги қайсидир сериалларга термилиб ўтирганингизда, булар фонус ёруғида китоб ўқийди. Мана, вақтдан фойдаланиш, мана — натижа!..

Бугун кўп давраларда китоб, китобхонлик ҳақида сўз кетар экан, “Кўпчилик ёшларимиз нега китоб ўқимай қўйди?” деган савол ўртага чиқади. Ана шундай вақтларда хаёлимизга ўша мактаб директорининг сўзлари келади. Ким билсин, болалар учун хаёлни чалғитувчи овунчоқлар кўп бўлган жойда китобга ҳафсала қолмасмикан, ёки...

#### Ўқиб тугатмагунича тинчимайдиган бола

Отамурод билан бундан 20 йил аввал бир лицейда ўқиганмиз. У Самарқанд вилоятининг тоғли Жом қишлоғидан. Одатда, ҳар шанба куни дарслар тугаши билан узоқдан келиб ўқиётган аксарият ўқувчилар уйга қайтишга шошилар, Отамурод эса биринчи галда кутубхонага борар ва отаси учун тўрт-бешта китоб олиб, кейин йўлга чиқарди.

— Отам мактабда дарс беради, аммо мактаб кутубхонасидаги китобларнинг ҳаммасини ўқиб тугатган, шаҳардан янги китоблар олиб боришимни тайинлайди, бўлмаса зерикиб қолиши мумкин, — дерди у.

Кутубхонага ҳам отаси учун аъзо бўлган Отамурод бу ҳафта олиб кетган китобларини кейинги ҳафта қайтариб топширарди. Айтишича, падари бузруквори беш-олтита китобни бир ҳафта ичида бемалол ўқиб тугатар экан.

Лицейни битириб, у бошқа шаҳардаги, мен бошқа шаҳардаги олийгоҳларга ўқишга кирдик. Узоқ вақт давомида кўришмаган эдик.

Яқинда Отамуродни яна учратиб қолдим. Топинг-чи, қаерда? Китоб магазинида!

— Тўрт-беш йил бўлиб қолди, отам нафақага чиққан, — дейди у ҳол-аҳвол сўрашгач. — Аммо ҳали-ҳануз қўлидан китоб тушмайди. Шаҳарга йўлим тушса, отам учун уч-тўртта китоб олмасдан қайтмайман.

Айтганча, Отамурод яна бир хушхабарни айтиб қолди. Катта ўғли 5-синфда ўқиса-да, бу йил “Энг ёш китобхон” кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб бўлиб, энди вилоят босқичига тайёргарлик кўраётган экан.

— Бобосига тортганда, кўрган китобини ўқиб тугатмасдан қўймайди, — дея кулди у.

Менинг хаёлимдан эса бунда бобоси билан бирга, отанинг ҳам хизмати катта, деган фикр ўтди. Билганим, у 20 йилдан буён, уйига доимо китоб олиб боради...

#### Бутун қишлоқни китобхон қилган тракторчи

Комил ака деган бир қишлоқдошимиз бор. Кўп йиллардан буён олийгоҳда талабаларга дарс беради. Кунлардан бирида Комил ака билан учрашиб қолдик. Ҳар доимгидек суҳбат қизигандан қизиди. Асосий мавзу қишлоқ, қишлоқдошлар ҳақида...

— Сўнгги пайтларда қишлоққа кўп ҳам бора олмаяпман, — дейди у бироз хўрсиниб. — Борсам ҳам бирровга, тўй-маъракага бориб қайтаман. Иш, рўзғор ташвишлари билан ўралашиб қолдикми, билмайман. Қишлоқни, қишлоқдошларни жуда соғинганман. Айтганча, Нодир тракторчини ҳам кўриб турасанми, яхши юрибдими?

Мен ҳа, маъносида бош ирғадим. Кейин суҳбат мавзуси бирданига Нодир тракторчига бурилиб кетди.

Нодир тракторчи деганимиз бутун умр хўжаликда оддий механизатор бўлиб ишлаган. Лекин қандай тўплаган билмадиму, уйида мингга яқин китоблари бор эди. Бутун қишлоқ Нодир аканикидан китоб олиб кетиб ўқирди. У эса ҳеч қачон ва ҳеч кимдан китобларини қизғанмасди. Ҳатто баъзи ҳолларда бирор китобни сўраб борсангизу, уни кимдир олиб кетган бўлса, Нодир ака эринмасдан бориб, китобни ўша кишидан олиб келиб сизга берарди.

— Энди ўйлаб кўрсам, Нодир тракторчи бўла туриб ҳам қишлоқ аҳли учун катта хизмат қилган экан, — деди Комил ака. — Кўпчилигимизнинг китобга меҳримиз тушиши, ўқиб одам бўлишимизда ана шу Нодир тракторчи, унинг китобларининг ҳиссаси катта.

Бунга ортиқча изоҳ шарт эмас, Комил ака ҳақ эди.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Британия кутубхонасига «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» туркумидаги китоб-альбомлар топширилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 104 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.32 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6